



# Тошкент халқ жамаати

РўЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚҰМИТАСИ,  
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 34 (10.030)

1991 йил 16 февраль • шанба

Баҳоси 6 тийин.

## Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

15 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси ўзининг давом эттирди. Уни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг раиси М. И. Иброҳимов бошқарди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг деҳқончилик масалалари ва сув ҳўжаллиги комитети раиси А. Х. Тошкентбоев «Ер солиги тўғрисида» Ўзбекистон ССРнинг қонун лойиҳаси ҳақида» маъруза қилди.

Музокарада Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Э. Т. Шайхов (102-Сайлов райони), Э. А. Хўжаев (471-Аваз ўтар сайлов округи), Ш. С.

Нурдинов (97-Қаторгол сайлов округи), З. Шарипов (174-Транспорт сайлов округи), И. Г. Волков (49-Жунов сайлов округи), Ф. Омонов (235-Шаҳрисабз қишлоқ сайлов округи), К. Сарсенов (482-Темирўл сайлов округи), П. Қодиров (379-Оқолтин сайлов округи), Х. Шукуров (365-Бахмал сайлов округи) қатнашдилар.

Сессия қатнашчилари тақдим этилган қонун лойиҳасининг биринчи муҳомадада қабул қилиниши ва уни келаси сессияда муҳокама қилиш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг комитетларига, узил-кесил ишлаб чиқиш учун топширилди.

Олий Кенгаш «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонун лойиҳаси ҳақида режа ва бюджет-молия масалалари комитетининг раиси Э. Ж. Воқибовнинг маърузасини тинглади. Қонун қабул қилинди.

«Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ҳам қабул қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан иқтисодий ислохот ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув комитети раисининг ўринбосари Э. Н. Хўжаев маъруза қилди.

Олий Кенгаш Ўзбекистон ССР янги Конституцияси (Асосий қонуни) лойиҳасининг ишлаб чиқиш комиссиясига Ўзбекистон ССРнинг давлат рамзлари тўғрисидаги

таклифларни ва улар ҳақидаги низоми тейрашнинг топширди.

Шундан сўнг депутатлар «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар. Лойиҳа билан Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раиси Э. Х. Халилов таништирди.

Музокарада С. А. Нишонов (283-Октябрь сайлов округи), Муҳаммадсаид Хўжа Раҳматулло ўғли (460-Юкорибўй сайлов округи), К. Раимжонов (268-Найғи сайлов округи), К. Тўйчиев (220-Бойқўнди сайлов округи), А. А. Абдуллаев (26-

Кафанов сайлов округи), Р. А. Реймбоева (480-Октябрь сайлов округи), М. Х. Қасанов (370-Тақийлик сайлов округи), Муҳаммад Солиҳ (35-Профессорлар сайлов округи), Ж. Мамамов (293-Жомбой сайлов округи) қатнашдилар.

Депутатлар киритган қўшимчалар ва ўзгаришлар ҳисобга олиниб, қонун қабул қилинди.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Президентининг сессиялар оралиғида чиқарилган фармонларини тасдиқладилар.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг режа ва бюджет-молия масалалари ҳамда иқтисодий исло-

хот ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув комитетларининг раислари тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Сессияда Ўзбекистон ССР прокурорининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари тасдиқланди.

Республика прокурори Б. М. Мустафоев «Транспорт воситаларини олиб қочганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ва Ўзбекистон ССР вице-президентининг шаъни ва қадриятининг ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Олий Кенгаш комитетларида узил-кесил ишлаб чиқилган сўнг, депутатларнинг фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини ҳисобга олиб, «Корхоналар, бирлашмалар ва таъинлотлардан олинган солиқлар тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон ССР фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқаролар бўлмаган шахслардан олинган даромад солиги тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунларини қабул қилди. Шундан кейин депутатлар

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолининг маънавий ва савдо-комитети раиси ўринбосари О. Маҳмудовнинг «Ўзбекистон ССРда корхоналар тўғрисида»ги қонун лойиҳасига оид маърузасини муҳокама қилдилар.

Музокарада В. Содиқов (416-Файзобод сайлов округи), М. Каримов (244-Ленин сайлов округи), О. Қуназаров (476-Пристан сайлов округи), Ф. Н. Раҳматуллоев (37-Қорақамиш сайлов округи), В. Р. Ниёматов (73-Нариманов сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Қонун билдирилган тақлифлар ва мулоҳазалар ҳисобга олиниб қабул қилинди. Сессияда Қозғонистон ССР Олий Кенгашининг ССР Иттифоқи Республикалари Олий Кенгашлари Мурожаатномаси муносабати билан бир овоздан қарор қабул қилинди.

Сессияда бошқа бир қанча масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов қатнашди ва муҳокама қилинган бир қанча масалалар юзасидан сўзга чиқди.

Шу билан сессия ўз ишини тамомлади.



РИМ.

«Биз умидсизликка тушганимиз йўқ ва Форс кўрғазиде тинчликни қарор топтириш учун ҳар қандай кичик имкониятдан ҳам фойдаланишимиз лозим», — деб таъкидлади пайшанба куни кечқурун Италия ташқи сийёсий идорасининг бошлиғи Жанини де Микелис билан учрашув чоғида бу ерга қисқа амалий ташриф буюрган Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилотий.

У Ироқ раҳбарини вакиллари билан сўнгги мулоқотларга таяниб: «улар тинчлик ўрнатилганда» эканлигини таъкидлади. Айтини пайта вазир Саидмур Хўсайн Ироқ-Кувайт можаросининг бартаф эътиборини Фаластин муаммосини ҳал этиш билан боғлаш гоёсидан воз кечмаганлигини уқтирди.

Вилотий ўчрашув якуни юзасидан журналистлар билан бўлиб ўтган савол-жавобда тангликнинг бартаф этилишидан манфаатдор бўлган барча томонлар ўртасида, хусусан Европа ҳамжамаиоти, СССР, Ислон мамлакатлари ва «учинчи дунё» давлатлари ўртасида яқин алоқалар ўрнатилиши зарурлигини таъкидлади.

БЕЛГРАД.

(ТАСС мухбири Валерий Севрюков). Албанияда вазирлик беқарорлаштирувчи кучлар фаолашмоқда. Шу муносабат билан полиция бўлимагарига уларни зарарсизлантириш учун зарур тадбирлар кўриш тўғрисида буйруқ берилди, деб таъкидланди АХСР ички ишлар вазирининг пайшанба куни бу ерда Тирана радиоси ва телевидениеси орқали эшиттирилган хабарига. Унда, хусусан, «халқ душманлари террорчилик қилётгани, кетма-кет митинглар ўтказаятгани ҳамда жамоатчиликка ёлгон маълумот бераётгани» айтилди.

Вазирлик ота-оналарга «ўз фарзандларини, талабаларини ва мактаб ўқувчиларини қора кучларга яқин йўлдамасликни» таъсия этди. Айтини пайта хабарда таъкидланди, Тиранадаги «Анвар Хўжа» дорилфунуни талабаларининг митинги райрикозунийдир, чунки митинг ўтказилиши тўғрисида тегишли идоралар хабардор қилиб қўйилмаган ва бундан чиқди, бундай тадбир учун зарур рухсатнома берилмаган.

Пойтахт дорилфунун талабалари тўққиз кундан буён машғулотларга қатнамайятлар, улар Албания раҳбариятидан уларни илгари сурган ижтимоий ва сийёсий тусдаги талабаларнинг қондирилишини талаб қилмоқдалар.

БУЭНОС-АЙРЕС.

(ТАСС мухбири Евгений Алексеев). Аргентина ҳукумати темирўлиқларнинг кичик кун мувадда мамлакат темир йўлларидаги ҳаракатини амалда бутунлай тўхтайтиш қўйган иш ташлашларини гаиррикозунийдир, деб эълон қилди.

Меҳнатқашлар турмуш ва меҳнат шартларининг яхшиланишини, иш ҳақининг нарх-наво кескин кўтарилиб кетишига мос равишда оширилшини талаб қилмоқдалар. Иш ташлаш комитети маъмуриларнинг куч ишлатиб кўрашдан воз кечиб тўғрисидаги талабларини назар-писанд қилмади. Темир йўл компаниясини маъмурият иш ташлашчиларини оммавий равишда ниҳдан бўшатди, шунингдек тармоқ насаба уюшмасининг раҳбарларига нисбатан бир қанча жазо чоралари кўрди.

(ТАСС, 15 февраль).



### Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ «НАВРҮЗ» ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ТАШАВБУСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини Президентининг «Республикада «Наврўз» умумхалқ байрамига тейргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида»ги Фармонини бажариш юзасидан Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг «Наврўз» хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлашга доир ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессиясидаги инсонпарварлик ташаббуси маъқуллансин.
2. Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг сессияда қўллаб-қувватланган тақлифига мувофиқ 1991 йил март ойида уларга депутатлик харажатлари учун тўланадиган маблағ «Наврўз» хайрия жамғармасига ўтказилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 15 февраль.

### КПСС РҮЙХАТДАН УТИШГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

СССР ақлия вазирлиғида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини рўйхатдан ўтказишга тейргарлик ишлари бошланди.

КПСС Марказий Комитети ташқилик бўлимининг сектор мудири М. Чемаданов ТАСС мухбирига маълум қилишча, бунинг учун зарур ҳужжатлар ҳозиринг ўзидеёқ тект қилиб қўйилди. Зотан, улар унчалик кўп эмас. Биринчидан, бу рўйхатдан ўтказиш тўғрисида илтимос қилинган ариза, иккинчидан, партия марказий архиви томонидан имзоланган ва партия 1898 йилда эскирил этилганлигини тасдиқловчи қисқача тарихий маълумотнома, учинчидан, партия Устави ва КПСС XXVIII съездининг стенографик ҳисоботи. Айтини ана шу съезде партия бош ҳужжатининг янги тақрири тўғрисидаги маъсала кўриб чиқилган эди. Тўртинчидан — иттифокдош республикалар Компартияларининг статистик маълумотлари асосида тейерланган КПССнинг сон таркиби тўғрисидаги маълумотнома. Ниҳоят, бешинчидан, рўйхатдан ўтказиш учун банкда беш минг сўм миқдориде пул тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Москва. В. ЗЕНКОВИЧ, ТАСС мухбири.



XII қақриқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IV сессиясида. Жумҳурият Президенти И. А. Каримов депутатлар орасида.

Суратнаш Р. ЖУМАНИЕЗОВ. (ЎЗТАГ).

### СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси 1991 йил 18 февраль куни соат 10 да Кремлдаги СССР Олий Кенгаши палаталарининг мажлис залига Иттифоқ Кенгаши ва Миллатлар Кенгашининг қўшма мажлиси билан очилди.

## ПУЛЛИ ХИЗМАТ ҚАЧОНГАЧА ОҚСАЙДИ?

ЯКУН ВА ШАРҲ

сўмлик хизмат кўрсатишмай қолди. Вилотийда аҳолига пулли хизмат даражаси умумиттифоқ ўртача кўрсаткичидан анча ортача эканлиги инобатга олинса бу жуда қониқарсендир.

Бир йил давомида кўрсатилган пулли хизмат ҳажми 248,2 миллион сўмликка етди. Бу олдинги йилдагига нисбатан 15,1 миллион сўмликга кўширди. Бироқ унинг аниқлиги қисмини у-бу нарсани сотишдан тушган пул ташкили эътиборида. Бу пуллар аҳолига иш жойи бўйича қўпгина миқдорда сотилган ётоқ-тахта, қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш чириндилари ва бошқа шу каби буюмлар ҳисобига тушган. Умуман бундай кўмак ҳам яқин, савоби. Бу билан олдий меҳнатнашларнинг қанчадан-қанча юмуши битмоқда. Ленин уни пулли хизмат кўрсатиш ҳажмига қўшиш унча ҳам тўри бўлмас керак. Шу ҳисобдан чегириб ташланса пулли хизмат ҳажмининг ўсиши 6,4 фойз ўрнига 3,5 фойзга ташкил эътиборида.

Вилотиймида олтийми саккизта вазирлик ва идораларга қарашли корхоналар ва ташкилотлар аҳолига шундай хизмат кўрсатиш режасига эга. Уларнинг ўн учтаси ёки

ҳизмат кўрсатиш ҳажми ҳам, ҳар бир аҳоли жон боши ҳисобига ҳам ортиб бормоқда.

Биргина Олмаликда қўшимча кўрсатилган хизмат ҳажми пулга қақанда 1,1 миллион сўмликни ташкил этди. Йил давомида ҳаммаси бўлиб 28 миллион сўмликдан кўпроқ хизмат кўрсатилди. Жон бошига кўрсатилгани эса 245 сўмдан ҳам ошиб кетди. Бу вилотиймиз бўйича энг юқори натижаларнинг биридир. Аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш бўйича Янгийўл шаҳри олдинда борлипти. Унда бу кўрсаткич 254,4 сўмликни ташкил этди. Чиринда эса 207 сўм атрофида бўлди. Бу шаҳрлар режани ҳам ошири билан бажардилар.

Айтини вақтда айрим шаҳрлар ва ноҳияларда меҳнатнашларнинг қундалик эътибори қондиришга мўлжалланган бу соҳага етарли эътибор берилмапти. Унга қолдиқ принципни асосида ёндашиш ҳоллари ҳам кўзга ташланмоқда. Бунга асло йўл қўймаслик керак. Турмуш шундоқ ҳам анча оғирлашиб кетган бизнинг давримизда жилла кўрсатиш аҳолига пулли хизмат кўрсатиш

саткич даражасидан анча орқада қолмоқда.

Бу камчиликлар аввал пулли хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ҳамма жойда ҳам лозим даражада аҳамият берилмаётганлиги оқибатида содир бўлаётганлиги юқорида таъкидлаб ўтилди. Аввало бу соҳанинг моддий-техника таъминоти ҳамон пўхча йўлга қўйилмаган. Бунинг асосли сабаблари борлигиндан ҳам кўз юмиш мумкин эмас. Ҳозирги иқтисодиётдаги парокандалик бу соҳага ҳам салбий таъсир этмоқда. Бунинг оқибатида қўпгина зарур нарсалар вақтида ва етарли миқдорда олинмапти.

Ангрнда аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми олдинги йилдагига нисбатан деярли икки фойз ошганига қарамай белгиланган режа қўлиб кетди. Аҳоли жон бошига пулли хизмат кўрсатиш бўйича эса энг охири ўрнларнинг бирида туради. У ўрта ҳисобда 141,9 сўмликдан кўпроқ эса хизмат ҳажмининг ошириш учун қўлдан-қўл имкониятлар бор бўлса ҳам улар ишга солинмапти.

Бекобод ноҳияси эса аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми жиҳатида вилотийда энг охири ўрнида турипти. У бор йўли 36,6 сўмни ташкил этди. Оҳангарон ноҳиясида бундан сал кўпроқ — 37 сўмга етди. Бу кўрсаткич Янгийўл ноҳиясида 46,9 сўмни ташкил этган бўлса, Пискентда 57,4 сўм, Чиноз ноҳиясида 66,4 сўмдир. Паркент, Ўрта Чирчиқ, Бўна, Галаба ноҳияларида ҳам хизмат кўрсатиш ҳажми вилотий бўйича ўртача кўрсатиш



Ушкунчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси

# НАРХЛАРНИ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1991 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Съездлар саройи минбаридан бизга ўзининг қонуний ҳиссабини қайтариш тўғрисидаги талаблар неча марта янгради.

Мана энди, ҳурматли депутат ўртоқлар, сизларга шунинг маълум қилишимиз мумкин. Иттифок органилари билан республика ташқарисига етказиб берилган хом ашё ресурслардан хосил бўладиган даромадларни республика бюджетига ўтказиш масаласи республика Президентининг куч-ғайрати билан принципал ҳал этилди. Ҳозир йилда улар 10,7 миллиард сўм миқдорига белгиланди.

Бундан ташқари, савдо солиғи, меҳнат ҳақи фондларидан 11 фоизли ажратмалар, 20 фоизли амортиза-

ция ажратмалари, ер солиғи ва бошқалар жорий қилинади.

Умуман олганда жорий этилаётган янги солиқлар ва даромадлар республика бюджетига 15,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ тушишни таъминлайди.

Бюджет даромад қисмининг қолган 8,5 миллиард сўми солиқдорларнинг солиқларининг (фойдалан, оборотдан, аҳолидан, транспорт воситалари эгаларидан олинган солиқлари ва ҳ.к.) амалдаги системаси тупумлари ҳисобга қопланади.

Шуни қайд этиш зарурки, ҳалқ депутатлари, агроноат комплекси хўжаликларининг раҳбарлари билан учрашуларда, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида бюджет лойиҳаси муҳокама қилинганда, солиқларнинг тўртта янги хили, айниқса

ер солиғининг жорий этилиши қишлоқ хўжалиги корхоналари тўловларининг анча қўпайишига олиб келади, деган таъкидлар ва шубҳалар айтилди.

Бироқ бу ўртоқларга шунинг эслатиб қўймоқчиманки, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ушбу тўловларнинг қоплашини асосий манба қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан улар маҳсулотининг ҳам ҳарид, ҳам чакана нархлари ош-шидан, шартномановий нархларнинг кенг қўлланишдан, шунингдек уларга маълум имтиёзлар системасини белгилашдан олингандан қўшимча даромадлардир.

Қишлоқ хўжалигидан олинган солиқларни қўпай-тириш ҳисобига бюджет тузилди, деб ўйлашдан аввал агроноат комплекси ана шу бюджетдан қанча

олишини ўйлаб кўриш ва таққослаш ўриндир. Агар агроноат комплексида олинган солиқларнинг ҳамма миқдори бу йил салтанат 700 миллион сўмни ташкил этадиган бўлса, унинг ривожлантиришга 4,4 миллиард сўм миқдорига маблағ ажратиш режалаштирилмоқда. Шундан 1,677 миллиард сўми мактаблар, ушбу йиллар, болалар боғчалари, турли ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги объектлари ва корхоналари қуришга сарфланади.

Бизнинг шароитимизда экинларни сугориш учун сув бўлмаса қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мумкин эмаслигини билмаслар. Биз ҳозир сув омборлари ва каналлар қурилишига сарфланган пулларни ҳисоблаётганимиз йўқ. Гап сув хўжалиги идоралари орқали ка-

наллар ва ирригация тармоқларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш ҳақида бормоқда. Бу ишларга 322 миллион сўм ажратилмиш.

Ушбу масала Олий Кенгаш Раёсатида, комитетлар ва комиссияларда кўриб чиқилди. Деҳқончилик-саноат тармоқларида ишлаётган ўртоқлар улардан кўп солиқ ундириётганини айтмоқдалар.

Энди келинглар, мулоҳаза қилиб кўрайлик. Тароқнинг қайси палласи оғирроқ қишлоқ хўжалигидан ундириладиган 700 миллион сўми солиқ қўйилган палласи эмислигини билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтиришга ажратилган 4,4 миллиард сўм солиганимиз палласи?

Қишлоқ меҳнатқашлари-

нинг айби билан эмас, балки айрим раҳбарларнинг айби билан ҳамда нарх белгилашдаги нуқсонлар туфайли қишлоқлардаги кўпгина корхоналарнинг, қолхозлар ва совхозларнинг рентабеллиги пастлигини ва улар қардор бўлиб қолганлигини яна бир бор эслатиб ўтаман.

Энди уларнинг рентабеллигини оширамиз.

Бундан ташқари, зарар кўриб ишлайдиган ва паст рентабелли хўжалиқларнинг қарзидан кечтича ўтган йили салкам 3,7 миллиард сўм сарфлаганимиз ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак.

Энди ўзларингиз айтинглар: қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қайси давлат шунчалик ёрдам кўрсатади? Агроноат комплекси ҳодимлари бунинг эса тутиш-

да икки ўшага тўлганда. 11.35, 12.35 Астрономия. 11-синф. Кўш.

12.05 «Бурда модени» таклиф этдим... \* \* \*

13.05 «Жамайка». Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 15.20 «Планета». \* \* \*

17.30 Мультифильмлар: «Инжиқвой», «Кемачер».

18.00 «Муслиқий башорат». 18.30 «Орол дарди — эл дарди». 19.00 «Телевизион муслиқий абонементи». «Москва кўзининг лаҳзалари» («Москва кўзи» совет муслиқаси фестивалининг концерт заллари бўйлаб). 20.00 «Ноқулэй Ежиков». Ярослав вилояти Вакурево қишлоғилик

рени ўстиришни ва мавжуд бюджет дефицитини қоплаш бўйича бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириш асосида ички резервларни қидриб топиш ва сафарбар қилиш юзасидан катта жа-вобарлик юклайди.

1991 йилда нарх-навои тартибга солиш қондаларини ҳамда жумҳурият бюджетининг лойиҳасини тасдиқлаш учун тақдим қила туриб, Ўзбекистон меҳнатқашлари сайланган вакиллар ёрдамида жамиятдаги барча илгор кучларнинг жипсини асосида яна бир сновдан шараф билан ўта оламиз ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни, иқтисодиётдаги тағил-лишни теъроқ бартараф этишни таъминлай оламиз, деб астойдил ишонамиз.



## КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ



**Душанба #**  
18 ФЕВРАЛЬ  
УзТВ I

18.00 Янгиликлар.  
18.05 «Кеносиз гозча», «Сахий ўрмон». Мультифильмлар.  
18.30 Чолғу куйлардан концерт.  
19.10 Халқаро ҳаёт.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.50 Тошкентда Урта Осий жумҳуриятлари ва Қозоғистон филиалларининг регионал кўриги. Тожикистон киносанъати.  
20.30 «Ахборот».  
20.50 «Ором» халқ ансамблининг концерти.  
21.30 Москва. «Время».

22.15 «Тезлик». Бадий фильм (Ленфильм).  
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

19.00 «Ассалому алайкум» (такрор).  
20.00 «Спирит» (рус тилида).  
20.15 Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти.  
20.40 «Яна муҳаббат ҳақида...». Тижорат кўрсатуви.  
21.00 «Қурлиш: таърих ва муаммолар».

ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:  
21.30 Москва. «Время».  
22.15 «Душанба оқшомида». Бадий-публицистик видеоканал.

7.00 «Тонг».  
9.30 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ.  
9.45 «Маймулар подшохи девларни енгади». Мультифильм.  
11.30 «1991—Моцарт йили». Ми Бемоль мекор кантети.  
11.50 «Цирк артисти ёки «Бугун ва ҳар оқшом». Телевизион ҳужжатли фильм (Боку).  
12.30 «ТСН».  
12.45 Халқ чолғулари ижрочилари IV Бутурироссия танлови.  
13.35 «Мусаввирлар ҳақида ҳикоялар». К. Васильев.  
14.10 «Галатей». Б. Шоунинг «Пигмалион» комедияси мотивлари асосида фильм-балет.  
15.10 Ҳужжатли фильм.  
15.30 «ТСН».  
15.45 Томошабинларнинг талаб-

рига биноан. «Герога тикилган ҳаёт». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 6-фильм.  
16.45 Омск миллиқисаси ашула ва ракс ансамблининг концерти.  
17.15 «Светла». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. ЭС-ки танишларимиз оилавий хроникаси туркумидан. 1-фильм («Союзтелефильм»).

18.00 Болалар соати (француз тили дерси билан).  
19.00 «ТСН».  
19.20 «Бозор қонунларига биноан».

20.05 Ж. Верди. «Трубадур». «Метрополитен-опера» спектакли.  
21.30 «Время».  
22.15 «Трубадур» операсининг давоми.

00.05 «Лўлининг ҳикоялари». Бадий-ҳужжатли телефильм («Экран»).

Тунги телевидение

00.55 «Галати гаров ёки Юз йил олдин ахшилик билан тугаган воқеа». Телевизион бадий фильм («Экран»).

02.10 «Севгидан ҳузур-ҳовватим йўқ».

9.00 Эрталабки бадантербия машқлари.

Уқув программаси

9.15 «Николо Паганини». Илмий-оммабоп фильм.  
9.35, 10.35 Физика. 10-синф. Уқун нега йўқолди?  
10.05 Италия тили.  
11.05 «Онам, дадам ва мен». Бо-

ла икки ўшага тўлганда.  
11.35, 12.35 Мусиқа. 6-синф. Н. А. Римский-Корсаков. «Коркиз».

12.05 «Здоровье».

13.05 «Комбатлар». Телевизион бадий фильм. 1-серия.  
15.20 «Планета».

17.30 Мультифильмлар: «Инжиқвой», «Кемачер».

18.00 «Муслиқий башорат». 18.30 «Орол дарди — эл дарди». 19.00 «Телевизион муслиқий абонементи». «Москва кўзининг лаҳзалари» («Москва кўзи» совет муслиқаси фестивалининг концерт заллари бўйлаб). 20.00 «Ноқулэй Ежиков». Ярослав вилояти Вакурево қишлоғилик

фермер ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.  
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!  
20.45 Коллаж.  
20.50 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Бошлана» (Грозний шаҳри).  
21.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).  
22.15 Телевизион ҳужжатли фильмлар.  
22.55 Ф. Пуленок романсларини Е. Иванов яқро элади.  
23.15 «Комбатлар». Телевизион бадий фильм. 1-серия (Одесса киностудияси).  
00.20 А. Шниткеннинг пантомима, чолғу ансамбли, яқсахон соприна ва аралаш хор учун сахналаштирилган композицияси.

**Сешанба #**  
19 ФЕВРАЛЬ  
УзТВ I

9.00 «Эй, қовболлар». Бадий фильм («Козоқфильм»).

10.05 «Биринчи концерт». Болалар учун фильм.  
10.35 Хайридан Суллонов. «Мо-зидан бир саҳифа». Ҳабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида» асарини асосида видеофильм. 1-қисм. \* \* \*

18.00 Янгиликлар.  
18.05 «Женя исали мушукча ва йўл қондаси ҳақида». Мултфильм.  
18.20 «Элга хизмат: талаб ва таклиф».

18.50 «Тил ва адабиёт равнақи йўлида».

19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.50 «Истеъдод». Адабий-муслиқий кўрсатуви.  
20.30 «Ахборот».  
20.50 «Созимиз — овозимиз». Аҳмадон Раҳимовнинг концерти.  
21.30 Москва. «Время».  
22.15 «Спортлоқ».  
22.20 «Комеданглик соати». Бадий фильм (Ленфильм).  
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

19.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Учрашув».  
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.  
20.10 «Учрашув» кўрсатувининг давоми.

21.30 Москва. «Время».  
22.15 «Наваий Душанба».  
23.00 «Иккинчи дара бўйлаб» Бадий фильм.

7.00 «Тонг».  
9.30 Долзарб репортаж.  
9.45 «Бузоқчи». Мультифильм.  
10.05 Болалар соати (француз тили дерси билан).  
11.05 Ж. Верди. «Трубадур». «Метрополитен-опера» спектакли.  
12.30 «ТСН».  
12.45 «Трубадур» операсининг давоми.  
14.35 «Лўлининг ҳикоялари». Бадий-ҳужжатли телефильм.  
15.30 «ТСН».

15.45 «Герога тикилган ҳаёт». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 7-фильм.  
16.40 «Шунчаки». Мультифильм.  
16.50 «Светла». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 2-фильм.  
17.45 «Болалар муслиқий клуби».  
18.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун.  
19.00 «ТСН».

19.15 Сийёсий мулоқотлар. «Мос-совет» ярим йил ўтгач.  
20.00 М. Горький номли киностудиянинг 75 йиллигига. «Эртага уруш бўлди». Бадий фильм (1987 й.).  
21.30 «Время».  
22.15 «ВИД» таништириди: «Мў-жизалар майдони».

23.00 «Сўз». Адабий-бадий программа.

Тунги телевидение

00.30 «Николо Паганини». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 1-серия (Ленфильм).  
01.40 «Дунавский муслиқаси». Фильм-концерт (Ленинград).

9.00 Эрталабки бадантербия машқлари.

Уқув программаси

9.15 «Екитим Жек». Илмий-оммабоп фильм.  
9.35, 10.35 Жўрофия. 8-синф. Шарқий Сибирь табиати.  
10.05 Француз тили. 1-йил шуғулла-навтаганлар учун.  
11.05 Француз тили. 2-йил шу-

ғулланавтаганлар учун.  
11.35, 12.35 Мусиқа. 6-синф. Н. А. Римский-Корсаков. «Коркиз».

12.05 «Здоровье».

13.05 «Комбатлар». Телевизион бадий фильм. 1-серия.  
14.10 Ритмик гимнастика.  
14.40 «Экранда—Сибирь». Киножурнал.  
14.55 СССР Мудофаа вазирлиги киностудиясининг ҳужжатли фильмлари: «Червоны Украин-налий матрос», «Душман билан юзма-юз».

16.55 Биятлон. Жаҳон чемпиони. 10 км. Эркаклар. Финляндиядан олиб кўрсатилади.

19.00 РСФСРдаги кам сонли халқлар бадий жамоаларининг концерти.  
19.20 Ритмик гимнастика.  
19.50 С. Тактакишвили сюжетси.  
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!  
20.45 Биятлон. Жаҳон чемпиони. 7,5 км. Хотин-қизлар. Финляндиядан кўрсатилади.  
21.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).  
21.55 СССР Олий Кенгашининг сессиясида.  
23.15 «Комбатлар». Телевизион бадий фильм. 2-серия.  
00.20 «Россия тероналари. I Буту-россия телерадио танлови учинчи дара қатнашчиларининг концерти.

**Чоршанба #**  
20 ФЕВРАЛЬ  
УзТВ I

9.00 «Унинг қайлиғи». Бадий фильм («Козоқфильм»).

10.20 «Болалар — бизнинг келажикимиз». Кинопрограмма.  
11.00 Хайридан Суллонов. «Мо-зидан бир саҳифа». Ҳабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида» асарини асосида видеофильм. 2-қисм. \* \* \*

18.00 Янгиликлар.  
18.05 «Дангасе қиз». Мултфильм.  
18.15 «Дилдан ўйнаб, қунайимиз». Болалар учун концерт.  
18.50 «Муслиқлик ва безор иқтисодиёти».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.50 Тошкентда Урта Осий жум-

ҳуриятлари ва Қозоғистон филиалларининг регионал кўриги. Туркиякистон киносанъати.  
20.30 «Ахборот».  
20.50 Мақомчилар ансамблининг хонандалари — Хурият Исроилова ва Жўрохон Раҳимовларнинг концерти.  
21.30 Москва. «Время».  
22.15 «Дире довроти». Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Тельят Сайфутдинов.  
23.05 «Содиқ шоғирда». Бадий фильм («Мосфильм»).

00.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

19.00 «Утмиш ва бугун». Тошкент шаҳри ҳақида.  
19.25 «Кайси Қўлиев». Телефильм.  
20.00 «Пўлис». Хабарлар (рус тилида).

20.10 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Москва Таганка театри—студияси меҳмони (такрор).  
ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:  
21.30 Москва. «Время».  
22.15 Тожикистон ССР Олий Кенгаши сессиясида.  
23.15 «Тахаллусли одам». Бадий фильм (рус тилида).

7.00 «Тонг».  
9.30 Ишчан чопар.  
9.45 «Эртага уруш бўлди». Бадий фильм.  
11.15 «Болалар муслиқий клуби».  
12.00 Мултфильм.  
12.05 «Янги йил детективи». Хореографик ҳазил.  
12.30 «ТСН».  
12.45 «Сўз». Адабий-бадий программа.  
14.15 «Дунавский муслиқаси».

Фильм-концерт.  
15.15 Ҳужжатли фильм.  
15.30 «ТСН».

15.45 «Герога тикилган ҳаёт». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 8-фильм.  
16.40 «Томошабинлар меҳри соврини кинофестивали». «Йўлак». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киргизистон). Са-ховта ва меҳр-шафқат ҳақида.  
17.00 Ҳужжатли фильмлар.  
17.30 Болалар соати (инглиз тили дерси билан).  
18.30 «ТСН».  
18.45 «Исон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал.  
20.00 «Олимпийский» спорт комплексида АРС студиясининг концерти.  
21.30 «Время».  
22.15 В. Николаев куйлайди.

22.50 Хоккей. СССР чемпиони. «Спартак» — «Динамо» (Москва).

Тунги телевидение

01.30 «Николо Паганини». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 2-серия.  
02.35 «Оперетта, оперетта».

9.00 Эрталабки бадантербия машқлари.

Уқув программаси

9.15 «Объективда—жониворлар».  
9.35, 10.35 Табиатушнослик. 3-синф. Ҳар қим ҳар қил қишлайди.  
10.05 Немис тили. 1-йил шуғулла-навтаганлар учун.  
11.05 Немис тили. 2-йил шуғулла-навтаганлар учун.  
11.30, 12.45 Физика. 7-синф. Архимед кучи.

12.05 «Адам Смит бойлиги дунёси».

13.15 «Комбатлар». Телевизион бадий фильм. 2-серия.  
14.20 «Россия тароналари». I Бутурироссия телерадио танлови учинчи дара қатнашчиларининг концерти.  
15.20 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Бошлана» (Грозний шаҳри).  
16.00 «Телевизион муслиқий абонементи». «Москва кўзининг лаҳзалари» («Москва кўзи» совет муслиқаси фестивалининг концерт заллари бўйлаб).  
17.00 «Бир бор экан...» Елгиз қарилар муаммолари ҳақида ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»).

17.20 Туркистон Ҳарбий округи ашуле ва ракс ансамблининг концерти.

17.40 «Мўжизасиз мўжизалар».  
18.40 Мултфильм.  
19.00 Останкино концерт студиясида Маҳачқала 8-йрдамчи мактаб директори У. М. Муртузалева билан учрашув.  
20.15 Россиянинг парламент хабарномаси.  
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!  
20.45 Коллаж.  
20.50 П. И. Чайковский. Скрипка ва оркестр учун учун концерт.  
21.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).  
22.15 СССР Олий Кенгашининг сессиясида.  
23.15 «Омад лаҳзалари». Телевизион бадий фильм (Свердловск киностудияси).

**Пайшанба #**  
21 ФЕВРАЛЬ  
УзТВ I

9.00 «Тошдаги кўш акси». Телефильм.  
9.20 «Нима учун қил бўлади?» Фильм-концерт («Ўзбекте-лефильм»).

9.50 «Чет элдаги марказ эмиссияси». Бадий фильм. 1-серия («Молдова-фильм»).

18.00 Янгиликлар.  
18.05 «Дилли-Дилли кўшлли бо-да». Мултфильм.  
18.15 «Деле юмушлар».  
18.45 «Алифбо сабоқлари». II бос-қич.  
19.20 Ўзбекистон ССР Ички ишлар

вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.45 «Сарҳадсиз санъат». Эмиқо-хонини рақсга тушеди.  
20.30 «Ахборот».  
20.50 «Хотиралар». Юсуфжон Ҳамдам.  
21.30 Москва. «Время».  
22.15 «Шамшир дамидан». Бадий фильм (Одесса киностудияси).  
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

19.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда» (рус тилида).  
ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:  
21.30 Москва. «Время».  
22.15 Тожикистон ССР Олий Кенгаши сессиясида.  
23.15 «Кич охирлаб қолганда».

Бадий фильм (рус тилида).

7.00 «Тонг».  
9.30 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра...  
9.45 Болалар соати (инглиз тили дерси билан).  
10.45 «Фаррух ва Зумрад». Мултфильм.  
11.00 Хоккей. СССР чемпиони. «Спартак» — «Динамо» (Москва). Танаффус пайтида (12.30) — «ТСН».

13.55 «Янгина» тожик фольклор ансамблининг концерти. \* \* \*

15.30 «ТСН».  
15.45 «Герога тикилган ҳаёт». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 9-фильм.

16.40 Мултфильмлар: «Утган йил-ги қор ёғарди», «Эскича ман-зари».

17.10 «Деразадан қара». 1-кўр-сатуви. (Ташқи алоқалар Бош бош-қармаси ҳамда Нидерландия телевиденисининг кўрсату-ви).

18.15 «...16 ёшгача ва ундан кат-талар».  
19.00 «ТСН».  
19.15 Украинанинги муслиқий фоль-клори.  
19.45 «Лада» Кипрда ва Греция-да». Телевизион ҳужжатли фильм.  
19.55 «Қушиқ ҳақида хотира».  
20.25 «Хотиралар». Телевизион ба-дий фильм премьераси. 1-серия («Грузия-телефильм»).

21.30 «Время».  
22.15 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра...  
22.30 СССР халқ артисти Е. Об-разцова ҳамда СССР халқ ар-тисти Н. Некрасов раҳбарлиги-да СССР Давлат телерадиоси халқ чолғулар академик ор-кестрининг концерти.  
23.40 «Пил» баллиси билан.

Тунги телевидение

01.10 «Николо Паганини». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.  
02.15 «Шоир ва уруш».

9.00 Эрталабки бадантербия машқлари.

Уқув программаси

9.15 «Объективда—жониворлар».

9.35, 10.35 Адабиёт. 8-синф. М. Горький. «Лочин ҳақида қўшиқ».  
10.05 Испан тили. 1-йил шуғулла-навтаганлар учун.  
11.05 Испан тили. 2-йил шуғулла-навтаганлар учун.  
11.35, 12.35 Биология. 8-синф. Ке-мирувчилар ва қуёнлар.  
12.05 Биология. 12-кўрсатуви.

13.05 «Омад лаҳзалари». Телевизион бадий фильм. \* \* \*

14.10 Ритмик гимнастика.  
14.40 «Тўс-тўполон». Мултфильм.  
16.55 Биятлон. Жаҳон чемпиони. 10 км. Эркаклар. Финляндиядан олиб кўрсатилади.  
19.15 «Иккинчи Украина fronti».

11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулла-навтаганлар учун.  
11.35, 12.40 Теварак атроф билан танишиш. 1-синф. Берча касб-лар зарур.  
11.55 Билимдонлар учун машқ.  
13.05 «Хотин-қизлар клуби». Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар.  
15.30 «Орол дарди — эл дарди».  
16.00 Қалмиқ АССР Давлат ашула ва ракс ансамблининг концерти. \* \* \*

17.30 «Филиппок». Мултфильм.  
17.40 «К. Воробьев. Тақдир ва китоблари».  
19.05 «Сахий оқшом». Ужгороддан кўрсатилади.  
19.25 Биятлон. Жаҳон чемпиони. 15 км. Хотин-қизлар. Фин-

**Жума #**  
22 ФЕВРАЛЬ  
УзТВ I

9.00 «Ҳужжатли фильмлар экрани». Кинопрограмма.  
10.00 «Чет элдаги марказ эмиссияси». Бадий фильм. 2-серия.  
11.00 Андижон вилояти Бў но-ҳиясидаги Педагогика билим юрти «Атиргул» дастасининг чи-қиши. \* \* \*

18.00 Янгиликлар.  
18.05 «Ох, мана...». Мултфильм.  
18.15 «Экология». Телевизион аль-манах.  
18.50 Ўзбек классик куй ва кў-шиқлари.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 Тошкентда Урта Осий жум-ҳуриятлари ва Қозоғистон филиалларининг регионал кўриги. Қирғизистон киносанъати.  
20.30 «Ахборот».  
20.50 «Мабрифайюма».  
21.30 Москва. «Время».  
22.15 «Ижод саҳифалари». Ўзбе-кистон халқ ёзувчиси Асқад Муктор.  
23.15 Эртанги кўрсатувлар тарти-би.

УзТВ II

19.00 «Бу оқшомда». Совет Ар-мияси ва Ҳарбий-деңгиз флоти кунига бағишланади.  
ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:  
21.30 Москва. «Время».  
22.15 Тожикистон ССР Олий Кенгаши сессиясида.

23.15 «Негатив». Танқидий кўрса-туви.  
23.55 Телефильм-концерт.

7.00 «Тонг».  
9.30 «Инновация. Маркетинг. На-тижа».  
9.45 Мултфильмлар.  
10.15 «Исон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал.  
11.30 М. Меерович. Торли сере-нада.  
11.45 «...16 ёшгача ва ундан кат-талар».  
12.30 «ТСН».  
12.45 СССР халқ артисти Е. Об-разцова ҳамда СССР халқ ар-тисти Н. Некрасов раҳбарлиги-даги СССР Давлат телерадиоси халқ чолғулари академик ор-кестрининг концерти.

13.55 «Шоир ва уруш».

15.30 «ТСН».

15.45 «Герога тикилган ҳаёт». Кўп серияли телевизион ба-дий фильм. 10-фильм.  
16.40 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Рожков ҳамда жум-ҳурият Давлат «Россия» рус халқ ансамблининг концерти.  
17.05 Мултфильм.  
17.20 «Онам, дадам ва мен». Бола 2 ёшга тўлганда.  
17.50 «Чемпионлар билан бир-га-лиқда».  
18.05 «Деразадан қара». 2-кўр-сатуви.  
19.00 «ТСН».  
19.15 «Мулоқот-анжуман».  
19.45 «ВИД» программаси.  
20.00 «Хотиралар». Телевизион ба-

дий фильм премьераси. 2-се-рия.  
21.30 «Время».  
22.15 «ВИД» программаси.

Тунги телевидение

01.15 «Н

# «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ СИРТҚИ ТАЪЛИМ МАКТАБИ АЛИФБОНИ ЎРГАНАМИЗ

(Еттинчи дарс давоми)

4. Ё ёлашган унлисини ифодалайди:

يېشى - ёр; يېشى - етти; يېرى - дийдор.

5. Ё ёлашган унлисини ифодалайди:

يېرى - ёр; يېرى - ёзув.

ИЗОХ: Ёй ё ёлашган унлисини ифодалаганда, албатта, Ёйга Алий боғлас ёзилми шарт.

6. D (Du) ёлашган унлисини ифодалайди:

يېرى - D (Du); يېرى - ёз; يېرى - ёр.

ИЗОХ: Ёй Ё ёлашган унлисини ифодалаганда, Ёйга албатта, ЁВ қўшиб ёзилми шарт.

ЭЛАТМА:

Ёй ҳарфи ёлашган унлиларнинг охириги Ёни ифодалаганда

(ҳойи ҳавва) ҳарфи ҳам иштирок этади. Бу ҳарф ҳақида маълумот берилмаганини учун Ёнинг ясагани ҳақида кейинроқ сўз қилтамиз.

34-топшиқ. Қуйидаги сўзларни ўқинг, кўчириб ёзинг.

آى . باى . پاي . بوى . توى . ناياب .  
راوى . نابينا . ياران . روى . روياب .  
روايت . پيوند . پىرى . پيدا . پيروپايى .  
ايت . بيت . ياز . پايان . شانى . زيور .  
نارباى . نانوای . دريا . ديار . يوتدى .  
ياويان . يات . اين . بيروپازير .  
ياپ . نارين . تيز . تيردى . بارپايتى .

35-топшиқ. Қуйидаги гапларни ўқинг, кўчириб ёзинг.

نادر نانوای تندوردا نان ياپدى .  
نارباى ايرتا تويىب يوزىنى يوووى .  
باتر نارين ييدى . اونان ييب .  
اوتيريدى . او بيدار ايدى .

М. АБДУЛХАЙРОВ, Р. ЖУМАНИЕЗОВ.

## АХОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

### «Ёш оила»

#### ХИЗМАТИНГИЗДА

Узингизга маълум, Ўзбекининг тўйи кўп, маросими кўп. Кейинги пайтда ўйлаб қиз чиқарадиган кишилар ниҳоятда мустар бўлиб қолишди: магазинларда мебель, гилам, поёндозлар йўқ. Топилганда ҳам нархи «чақиб» олади.

Шундай қийин пайтда жумҳуриятимиз Президенти ёш оилалар учун бир қатор имтиёзлар яратиш тўғрисида Фармон чиқарди. Яқинда ана шу Фармонга асосан Чиноз шаҳрида «Ёш оила» махсус магазини ташкил этилди.

Магазинда ёш оилалар учун керакли баъча мебель жиҳозлари, гилам, поёндозлар, уй-ўзғор буюмлари, келин-куёвлар либослари, ҳатто аравача ва чақалоқларнинг кийимларига ҳам бор. Келин-куёвларга гилам ва мебель жиҳозлари 40 фоиз арзонлаштирилган нархда сотилади. — дейди магазини мудири Халил Шамсиев. — Аравачалар эса тугилганлик тўғрисида гувоҳномаларга асосан берилади. Бир ёстиққа бош қўядиган келин-куёвлар бизга бир ой олдин ариза бериб қўядилар. Келгусида ўзимиз бевосита Олмалик, Сергелидаги мебель корхоналари билан алоқа ўрнатмоқчимиз.

Келгусида бу ерда ёш оилалар учун керакли бўладиган бошқа жиҳозлар ҳам сотилади. Масалан, яқин орада ноҳия ижроия қўмитаси рухсатномаси билан ёш оилаларга холодильниклар ҳам сотиш йўлга қўйилди.

Лекин магазини унчадики кенг эмас, омибори йўқ. Албатта, хайрли ишни бошлаган ноҳия маълумот жамияти раҳбарларининг келгусида «Ёш оила» магазинини кенгайтириб, зарур қулайлик



лар яратиш беришларига ҳам ишонамиз.

Э. ТОШМАТОВ.

СУРАТЛАРДА: «Ёш оилалар» согувчиси Зилола Шамсиева. Келин-куёвлар узоқ вақтга мос либосларни танламоқдалар.

Суратқаш В. ТУРАЕВ.

## МАҲАЛЛАДА УЧРАШИШДИ

қур маълумотларни айтиди. Учрашувда иккинчи бўлиб сўз олган полклинника мудири Фотима Шокирова гриннинг олдини олиш тадбирлари, касалликка чалинган тақдирда қандай қи

либ даволаниш йўллари ҳақида аниқ маслаҳатларни тавсия этди. Бу даврда кекса отахонлардан Йўлчи Файзиев, Илҳом Ҳодиевлар маҳаллага келиб суҳбатлар уюштириб

турганликлари учун уларга миннатдорчилик билдиришди. Шу кунги ноҳиядаги Янгиқирғи маҳалласида истиқомат қилувчи нажоткорлар — Эльмира Нажмиддинова, Холмидхон Шариповлар ҳам ўз маҳаллалари клубида аҳоли билан учрашувлар ташкил этишди.

А. НАБИХУЖАЕВ.

## Жажжи ҳикоялар

### БИРИНЧИ ГУЛ

Баҳорнинг илк палласида офтобинг илқ нури-ю ёмғирнинг тинимсиз шивирлашига эътибор бермай қўйиб ортдаги алангликда узоқ қўлиб кетаман. Ер бағирлаб олтин тангачалардек сочилиган сап-сарик қоқиғулларга тикилганча ширин соғинч ҳисси билан ўтган кунларга қайтаман. Ажаб, бу гул нари борса бир ой умр кечиради. Аммо шу гулсиз мен илк баҳоринг тасаввур қилолмайман. Энди билсан Умида ҳам мисоли қоқиғулдек умр кечирган экан...

Қўшимчиси Жуманазар амакнинг меҳмон бўлиб келган шаҳарлик невараси бизнинг ўйинимизга ҳеч қўшилмас, доим чеккада турган-турган. Сабаби — у яқинда касалхонадан чиққан эди. Биз маҳалланинг беш-

олти «жангчи-аскарлари» бекинмаюқ ўйнаб, кураш тушиб кунни кеч қилардик. Нечқурун елкасида ола хуржун, бошида исқирт дўппи-салла, шилпик қўларининг ости, юзлари қатланган, соқоли ўсиқ, ағнида иккига тўннинг устидан тўртта белбоғ, қўлида ёғоч хасса, оёғига пойма-пой маҳси-қалиш кийган Кунда Биби Чол ўтиб қоларди. Биз бир-биримизга гал бермай қичқирардик: — Кунда Биби Чо-ол, Кунда Биби Чо-ол! У яқини эшитмасди. Ортига ўтирилиши биланоқ тирақайлаб қолди қолардик. Агар ушлаб олиса борми? Қонига солиб кетиши аниқ. Кунларнинг бирида қўлини кўтариб бизга йўлиса қиллаверганидан битта белбоғи тушиб қолди, сезмади. Бир чеккада турган Умида югуриб бориб уни олди: — Амаки белбоғингизни олдинг, — деди узапти. Энди тамом, уни қопига солади, — деб ўйладик. Йўқ, ундай бўлмади. — Ушлаб олиб кетганда

нима қилардинг? — дедим ваҳимага тушиб чол узоқлашгач. Умида эса энгашганича биз кураш тугаш жойдаги эзилган, банди узилган қоқиғулларни териб авайлаб силди: — Сувга солиб қўяман, тирилди. — Уми-и-и-и-и-и, — онаси чақириб қолди шу пайт. — Эртага онам руҳсат берсалар яна чиқаман. — Ростданми? — ўйин учун руҳсат сўрайдиганларни энди кўришим эди. Кейин у ўйинимизни томоша қилгани чикмай қўйди. Бир кун қўрқув аралаш уйғониб кетдим. Айвонда Умининг онаси хўн-хўн йигларди. Эртасига Жуманазар аканигина маҳалга йилгилди. Қизча оламдан ўтган эди... Унингиз олдидаги яланглик хувиллаб қолди. Хотирадан эса у кунларнинг шодон қийириги, майдон чекнасида белбоғ тутган қизанинг ёқимтой чехраси кетмасди. Хусан СУЛАЙМОНОВ.

## УРУШНИНГ СУРАТИ

Болалик чоғларимизда Ёдгор кампирнинг уйи рўпарасида ўйнаб эдик. Кампир эса эртадан кечгача ўйинимизни томоша қиларди. Йўқ, томирлари кўришиб қолган қўларини тиззаларидан олмай қишлоқ чеккасида мазор ортига бош қўядиган кўбнинг ботишига маъносиз тикиларди. Ҳатто чиллак ўйинида ютқаган боланинг овози борича олдинда зувиллаб ўтишини ҳам сезмасди. Бир кунги онам оғир ух тортиди: — Ёдгор кампир катта ўғлинигизни тоқларни очигча ёрдамлашворсин, — деб сўраб чиқибди. Сўраганининг бир юзи қора, бермаганининг икки юзи, ўғлингизни чиқариб юбордим. — Яқин қилибсан, — деди отам пёнади дастурхонга қўя туриб, қара, бечоранинг чирогои ҳалиям ўчмабди. Бо-

лалигимга бориб ташқарига чиқиб Ёдгор кампирнинг уйига қарабам. Ҳақиқатан ҳам ҳовлисидаги чирой ўчмаган, тўн қаърида кузсиз митиллаб турарди. Энди билсан унинг умид чирогои сираям ўчмаган экан!

— Яқин қилибсан, — деди отам пёнади дастурхонга қўя туриб, қара, бечоранинг чирогои ҳалиям ўчмабди. Бо-

ШУНАҚАСИ ҲАМ БУЛАДИ



Сўзсиз сурат.



— Қани болалар, бир қувлашмачоқ ўйнасанлар, исб кетасизлар.

А. МАҲКАМОВ.

Хусан СОДИҚОВ чизган расмлар.

## Тахририятга келган мактублардан

### ДОРИ БИЛАН ЧАЙҚОВ—ТУБАНЛИК-КУ!

Ҳурматли муҳаррират! Ушбу мактубини сизларга йўлламаслидан бошқа илож топа олмадим. Иқтисодиётимизда кўриниб қолган кемтиклар ҳақида, уларни янада юзага чиқараётган чайқовчилар ҳақида, қўлаб ёзилмоқда, кундалик турмушимизда ўзимиз ҳам доим дуч келиямыз. Аммо мен айюқчи бўлган чайқовчилар ҳаммасидан ҳам ўтиб қолган. Бир неча кун аввал соғлигим туғайли дўхирхонга чиққандим. Шу ерга кираверинча 7—8 чоллик одам қуршовида уртақол кийинган бир аёл кичикроқ сумкачасидан нималарнидир чиқариб сотаётганига кўзим тушди. Қизқиб яқинроқ бор-

дим. Не кўз билан кўрайки, сумкачаси турли дори-дармонлар билан лиқ тўла эди. Савдо авжиде шекилли, одамлар шошиб-лишиб бир ишиша «Но-ша»га 5 сўм, «Ким» номли 67 тийинлик суялтирилган мўминга 5 сўм, жигар ҳасалидаги фойдаланиладиган «Лим» дорисига 10 сўм, «Темпагин»га 5 сўм (ва ҳоказо)дан уза-тишмоқда эди. Чайқовчилар — «Виджонинг борми ўн? Касаллар ҳақида хўблат қилишдан уялмайсанми?» — деб сўрасам, қўзини лўқ қилди, — «Хо-лажон, тиркичликнинг айби йўқ», — дея жавоб берди. Мен янада жазаблантири-сотатганига кўзим тушларининг лоқайдлиги бўлди.

Шу ўринда бир савол туғалади — нега энди дорихоналар тутул шифохоналарда ҳам топилгани мушкул бўлган дори-дармонлар, мал-ҳамлар нафе балосига йўлиққан кимсалар қўлига бунчалик кўп миқдорда тушиб қолмоқда? Балки бу борада уларга кимлар гамхурилик қўрсатаётганининг дорихоналардаги мутасаддилар билишлар.

Х. ТОЛИПОВА, кекса педагог.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

# ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

«УЗТЕАФОНД» ЎзССЖ театр арбоблари уюшмаси  
«НАВРҮЗ» ФОЛЬКЛОР-ЭТНОГРАФИК МУСИҚАЛИ ТЕАТР-СТУДИЯСИ  
АВРОП ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИ ВИНОСИДА  
18, 25 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА

## ПРЕМЬЕРА

Собир АБДУЛЛА асари. Тўхтасин ЖАЛИЛОВ мусиқаси

## «ТОҲИР ВА ЗУҲРА»

(фольклор-этнографик мусиқавий томошаси)  
Саҳналаштирувчи режиссёр — ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ЎзССР Ҳамза мукофотининг совриндори Баҳодир НҲҲДОШЕВ.

Саҳналаштирувчи расом — ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби СССР давлат мукофотининг совриндори Георгий БРИМ.

Мусиқа раҳбарлари — ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Саҳлоддин ТҲҲТАСИНОВ; Темур МАҲМУДОВ. Рақсларни саҳналаштирувчи — ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Насиба МАДРАҲИМОВА. Вадий раҳбари — Қирғизистон ССР халқ артисти Тolibjon БАДИНОВ.

«НАВРҮЗ» ТЕАТР-СТУДИЯСИНИНГ ҲОМИСИ. — «ОРЗУ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги  
М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси  
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА  
24 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА  
ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

## Фахриддин УМАРОВ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ СОВРИНДОРИ  
Ҳожиакбар ҲАМИДОВ ИШТИРОКИДА

## КОНЦЕРТ

Чинталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги  
«ХАНДА» ИЖОДИИ МАРКАЗИ  
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА

5 МАРТ СОАТ 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН  
ДУСТЛИК ВА СЕВГИ ТАРОНАЛАРИ  
РАЖ КАПУР, МУКЕШ, МУҲАММАД РАФИ  
ВА КИШОР ҚУМАР хотирасига бағишланган

## КАТТА КОНЦЕРТ

ПРОГРАММАДА:  
«БОМБЕЙ АРТ ГРУППА» Дехли астрада ансамбли;  
МУКЕШ ГУПТА, ДЕЕПАК ҚУМАР, АЛКА ГАНОХИ, ДХАНВАНТИ, РОХИТЛЕКХИ, АГАМ ПРАШАД, МАДАНЛАЛ КАНОЯ.

«ИНДИАН МАДЖИК ГРУППА» ҳинд сехргарлик гуруҳи раҳбари,

АШОК БХАНДАРИ

«ХАНДА» САТИРА ЮМОР АНСАМБЛИ:

ШЕРҚҶЗИ ҲОЗИЕВ,

МАВЛУДА ТҲҲДИЕВА, ТУРСУНОИ САПАЕВА. КОНЦЕРТДА: ҳинд кинофильмларидан қўшиқ ва рақслар ижро этилади.

Чинталар Халқлар дўстлиги саройи кассасида сотилмоқда.

ТОМОШАБИЛЛАР ДИҚҚАТИГА!  
КОЛДУЗ УСМОНОВНИНГ

20 февраль соат 19.30 га белгиланган

## КОНЦЕРТИ

ЎЗ ВАҚТИДА  
ЎТҚАЗИЛАДИ

Маълумотлар олиш учун телефон: 45-85-88.

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ШИРКАТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

## «ФОТОН» ШИРКАТИ ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРАДИ:

— уч ой мобайнида кафолатли хизмат кўрсатиш ва кейинчалик шартнома асосида хизмат кўрсатиш билан қўриқчилик ва ёнги сигналзациясини монтаж қилиш ва созилаш;

— ёғоч конструкцияларга ёнгиндан муҳофазаловчи ишлов бериш;

ОП ва ОХП ўт ўчиргичларни зарядлаш ва қайта зарядлаш.

ИШЛАР ШИРКАТ МАТЕРИАЛИДАН ДАВЛАТ БАҲОЛАРИДА БАЖАРИБ БЕРИЛАДИ.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 700143, Ленинград узун кўчаси, 204-уй. Телефон: 65-29-65.